



## SPIRITUAL AND MORAL DEVELOPMENT OF HUMANITY: CONTENT, SIGNIFICANCE AND DIRECTIONS

*Maftuna Abdulkhaeva*

Namangan State University

[maftunaofficial176@gmail.com](mailto:maftunaofficial176@gmail.com)

Tashkent, Uzbekistan

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** spiritual development, moral education, personality development, national values, social influence, education, family, educational environment.

**Received:** 03.08.25

**Accepted:** 04.08.25

**Published:** 05.08.25

**Abstract:** This article scientifically analyzes the concept of spiritual and moral development of a person, its content and essence, as well as its significance in society. The role of the education system, family and society in achieving spiritual perfection is widely covered. The directions for the implementation of spirituality and moral education on the basis of state policy and legislative framework are also indicated.

## ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОЕ РАЗВИТИЕ ЧЕЛОВЕЧЕСТВА: СОДЕРЖАНИЕ, ЗНАЧЕНИЕ И НАПРАВЛЕНИЯ

*Мафтуна Абдулхаева*

Наманганский государственный университет

[maftunaofficial176@gmail.com](mailto:maftunaofficial176@gmail.com)

Тошкент, Узбекистон

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** маънавий ривожланиш, ахлоқий тарбия, шахс камолоти, миллий қадриятлар, ижтимоий таъсир, таълим, оила, тарбия муҳити.

**Аннотация:** Ушбу мақолада инсоннинг маънавий-ахлоқий ривожланиши тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ва жамиятдаги аҳамияти илмий асосда таҳлил қилинган. Маънавий камолотга эришиш йўлида таълим-тарбия тизимининг, оила ва жамоатчиликнинг ўрни кенг ёритилган. Шунингдек, давлат сиёсати ва қонунчилик асослари асосида маънавият ва ахлоқ тарбиясини амалга ошириш йўналишлари кўрсатилган.

## ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОЕ РАЗВИТИЕ ЧЕЛОВЕЧЕСТВА: СОДЕРЖАНИЕ, ЗНАЧЕНИЕ И НАПРАВЛЕНИЯ

*Мафтуна Абдулхаева*

Наманганский государственный университет

[maftunaofficial176@gmail.com](mailto:maftunaofficial176@gmail.com)

Ташкент Узбекистан

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** духовное развитие, нравственное воспитание, развитие личности, национальные ценности, социальное влияние, образование, семья, образовательная среда.

**Аннотация:** В данной статье на научной основе анализируется понятие духовно-нравственного развития человека, его содержание и сущность, а также значение в обществе. Широко освещается роль системы образования, семьи и общества в достижении духовного совершенства. Также указываются направления реализации духовности и нравственного воспитания на основе государственной политики и законодательных основ.

Жамият тараққиётида инсон омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, унинг маънавий ва ахлоқий ривожи мустаҳкам пойдевор ҳисобланади. XXI аср – ахборот, билим ва ахлоқ асири сифатида таърифланар экан, ҳар бир мамлакат ўз келажагини маънан баркамол, ахлоқан етук авлод тарбияси билан боғламоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам инсон маънавиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан қабул қилинган “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” гояси маънавий қадриятларга бўлган эътиборни янги босқичга олиб чиқди. 2021 йилда қабул қилинган “Маънавият ва маърифат” концепцияси, “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ–6195-сонли Фармон ҳам шулар жумласидандир [1,2].

Маънавий, диний ва ахлоқий қадриятлар устун ҳисобланган Шарқда, шунингдек, технологик тараққиёт, индивидуаллик тобора ривожланиб бораётган Ғарбда кексаликка, кекса авлоднинг тажрибасидан фойдаланишнинг ижтимоий аҳамиятига нисбатан қарашлар турлича эканлиги ҳеч биримизга сир эмас.

Инсонни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожлантириш - унинг шахсий камолотини, жамиятда муносиб ўрин эгаллашини ва эзгу қадриятларга содик бўлишини таъминлайдиган муҳим тарбиявий жараёндир. Бу жараён инсон қалби, ақли, хиссиёти ва ҳаётий позициясини шакллантиришга каратилган бўлиб, у миллий, диний, умуминсоний ва фалсафий асосларга таянган ҳолда амалга оширилади [4].

Қўйида биз маънавият ва ахлоқ тушунчаларининг моҳиятини ёритиб ўтамиз. Маънавият – инсоннинг руҳий-ахлоқий дунёси, маърифат ва маданиятга бўлган муносабати, ўзлигини англаш ва жамиятда ўз ўрнини топишга интилиши билан боғлиқ тушунча. У инсонийлик, адолат, ватанпарварлик, бағрикенглик каби умуминсоний қадриятларни ўз ичига олади. Маънавий-ахлоқий ривожланиш – бу инсоннинг шахсий, ижтимоий ва миллий онгиннинг шаклланиши, унинг ахлоқий фазилатларини, қадриятларга муносабатини, ҳаётий мақсад ва қарашларини ўзлаштириш жараёнидир. Ушбу жараён фақатгина таълим олиш ёки ахлоқ тўғрисида назарий билимга эга бўлиш билан чекланмайди, балки шахснинг кундалик ҳаётда ушбу билимлар ва қадриятларга амал қилишида, ўзини тарбиялашида намоён бўлади.

Ахлоқ – инсоннинг хулки, хатти-харакатлари, ижтимоий ва шахсий муносабатлардаги одоб-ахлоқ меъёрларига мувофиқ бўлиш ҳолатидир. Ахлоқ нормалари оила, жамият, таълим ва диний қадриятлар орқали шаклланади. Шундай экан, маънавий-ахлоқий ривожланиш – бу маънавий қадриятлар ва ахлоқий меъёрларнинг биргалиқда инсон онги ва хулқ-атворида мустаҳкам жой олиши жараёнидир [3].

Инсоннинг маънавий-ахлоқий ривожланишининг асосий компонентлари, хусусан, маънавий-ахлоқий ривожланишни қўйидаги таркибий қисмлар орқали ифодалаш мумкин (1-расм):

Шахсий онгнинг шаклланиши – инсон ўз “Мен”ини англайди, ички эҳтиёжлари ва орзуларини тушунади.

Қадриятларга муносабат – инсон миллий ва умуминсоний қадриятларни қадрлайди, улар асосида ҳаёт кечиришга интилади.

Ахлоқий танлов қобилияти – яхшилик ва ёмонлик, адолат ва беадолатлик, ҳалоллик ва ноҳақлик ўртасида мустақил танлов қилиш қобилияти ривожланади.

Ижтимоий фаоллик – инсон фақат ўз ҳаётида эмас, жамиятда ҳам фаол иштирок этиб, яхши ташаббусларга ҳисса қўшади.

Маънавий-ахлоқий ривожланишнинг босқичлари қўйидагилардир:

- Маънавий-ахлоқий ривожланиш онгли равишда, ҳаёт тажрибаси ва тарбия таъсирида босқичма-босқич амалга ошади:

- Болалик даврида – оилавий муҳит, катталарнинг шахсий намунаси ва эртаклар, севимли қаҳрамонлар орқали ахлоқий тушунчалар юзага келади.



### **1-расм. Инсоннинг маънавий-ахлоқий ривожланишининг асосий компонентлари**

- Ўсмирилик ва ёшлиқда – мактаб, жамоа, дўстлар ва мураббийлар таъсирида маънавий танловлар бошланади, шахсий қарашлар шаклланади.

- Катталар ҳаётида – инсоний ва фуқаролик бурчларини тўлиқ англаб этиш, ўз ҳаёти учун масъулиятни ҳис қилиш ва маънавий баркамолликка интилиш даври.

Дарҳақиқат, маънавий-ахлоқий ривожланишининг манбалари бўлар, оила, мактаб, таълим муассасалари, миллий ва динний қадриятлар, жамият ва оммавий ахборот воситаларидир.

1.Оила – биринчи маънавий мактаб. Ота-она ва қариндошлар фарзанднинг ахлоқий тушунчаларига таъсир этади.

2.Мактаб ва таълим муассасалари – фақат билим эмас, балки ахлоқ ва маърифат беришнинг ҳам муҳим марказидир.

3.Миллий ва диний қадриятлар – халқ оғзаки ижоди, анъаналар, муқаддас китоблар маънавий тарбиянинг бой манбай.

4.Жамият ва оммавий ахборот воситалари – ижтимоий муҳит инсоннинг қарашларини шакллантиради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкунки, инсонни маънавий-ахлоқий ривожлантириш бу - фақат яхши хулқни шакллантириш эмас, балки унинг ички оламини юксалтириш, жамиятда фаол, масъул ва инсоний муносабатларга асосланган ҳаёт кечиришга тайёрлашдир. Бугунги глобал ўзгаришлар даврида бу йўналишнинг аҳамияти янада ошмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти. (2021). "Маънавият ва маърифатни ривожлантириш концепцияси".
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти. (2021). "Ёшлил маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-6195-сон Фармон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти. (2022). "Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" ғоясини амалга ошириш чора-тадбирлари.
4. Неъматов, А. (2019). "Ма'навият ва ахлоқ асослари". Тошкент: "Муаллим". ISBN: 978-9943-22-432-9.
5. Юлдошев, Қ.Қ. (2020). "Шахс маънавиятини юксалтиришда миллий ва умуминсоний қадриятлар". – Тошкент: "Маърифат".